

ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ТУЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЊНАВИЙ -АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Равшанхон Насруллаев

Самарқанд давлат чет тиллар институти тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ватанпарварликни мањнавий-ахлоқий ва сиёсий тушунча, ижтимоий туйғу сифатидаги таҳлили, унинг мазмун-моҳиятида ўз юртини севиш, уни ардоқлаш, зарур бўлганда ўз қизиқишилари ва манфаатларидан кечиб, мамлакат тақдири учун ўзини қурбон қилиш туйғуси ёритилган.

Таянч тушунчалар: Ватанпарварлик, мањнавият, ахлоқ, ижтимоий туйғу, бурч, масъулият, муҳаббат, ишонч, қадрият, маданият.

Мањнавий-ахлоқий негизлардан бири бўлган ватанпарварликка эришиш учун инсонга жуда катта масъулиятли мањнавий-ахлоқий вазифалар юкланди. Ватанпарвар бўлмаган одамдан Ватанга фидоий, фидокор бўлиши мумкин эмас. Улар кенг қамровли одоблар мажмуасидир. Оиласа, жамоага, туғилиб ўсган қишлоғига, шаҳрига, ҳалқига, ватанига фидоийлик ва шу кабилардир. Турли мағкуравий таҳдидлар ва ғоявий ахборот хуружлари авж олаётган шароитда бу масала янада долзарблик касб этади.

Ватанимиз мустақиллигининг мањнавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асрраб-авайлаш, инсонлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига ҳалқига, она юртига муҳаббат, истиқололга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафакат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва мањнавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтили бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деб таъкидлаганлар.

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган мањнавий қадриятлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она-юртнинг, ҳалқнинг тарихи ва тақдирга чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидоийлик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, ҳалқга бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, қишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир этади.

Ватанга муҳаббат – ватанпарварликнинг энг юқори даражаси сифатида ҳар бир фуқарода барқ уриши лозим. Шу туйғу орқали аждодларнинг урф-одатлари ва ютуқларини қайта тиклаб, келажакка қараб силжитиш учун ватанпарварлик долзарб ҳисобланади. Биз ёшларни бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик рухида тарбиялаш орқали тинчлик ва барқарорликни таъминлаш омили сифатида таълимнинг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшларимизни ватанпарварлик рухида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг мањнавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар

этувчи куч сифатида намоён бўлади”. Шундагина инсон ўзлигини англаши, шу туйғуни шакллантирувчи мотивларни тушуниши мумкин.

Ватанпарварлик – маънавий-ахлоқий ва сиёсий тушунча, ижтимоий туйғу сифатида англанади. Унинг мазмун-моҳиятида ўз юртини севиш, уни ардоқлаш, зарур бўлганда ўз қизиқишилари ва манфаатларидан кечиб, мамлакат тақдири учун ўзини қурбон қилиш туйғуси ётади.

Ватанпарварлик фидойилик, Ватанга хизмат қилиш эса энг олий бурч бўлиб, унинг энг юқори кўриниши ўз жонидан кечиб бўлсада қўлда курол билан душманлардан ҳимоя қилишдир. Ушбу олий бурчни англаб этиш ҳаммага насиб қилмайди, у фақатгина ўз ватани, миллати, аждодлари билан ғуурланувчи, уларга нисбатан чуқур хурмат туйғуси шаклланган юксак маънавиятли, ахлоқли кишиларга насиб этади. Ватанга бўлган юксак ҳиссий муносабат, энг аввало, инсоннинг энг олий туйғуларидан бири сифатида намоён бўладиган шахснинг маънавий-ахлоқий маданиятининг натижаси, унинг ижтимоийлашувининг энг юқори даражасини ифодалайди. Ўз навбатида ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш-ғоят чидам, ғоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм бўлиб, буни инсон бутун умри давомида ўзлаштириб бориши натижасида унда юксак маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириб боради. “Ватанпарварлик” ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши ватанга жонини атаган маънавияти такомилга этган комил инсон мартабасига эришган бўлади. Яъни ватанпарварлик туйғуси шаклланган тоифалар ватанига нисбатан ижтимоий-ғоявий таҳдидлар вужудга келганда муштарак ғоя атрофида бирлашиш лозим эканлигини англаб этадиган маънавиятли ва ахлоқли кишилардир.

Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Ваҳоланки, ўтмишда жаҳон сивилизатсиясига улкан ҳисса қўшган ҳалқнинг бугунги авлодлари, ўз меросларининг жаҳон ҳалқлари томонидан эътироф этилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир, зеро уларда бу каби ҳис-туйғулар миллий ғуур ҳамда руҳий баркамолликка етаклайди, миллий ўзлигини англашга интилишини кучайтиради.

Ҳар бир инсонда Ватан туйғуси – мавжуд бўлиб, у мураккаб, руҳий-аҳлоқий жараён сифатида ифодаланади. У шахснинг юксак ноёб ва нозик ҳислари, хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлиб, ички кечинмаларда ўз аксини топади. Масалан: гўзаллик туйғуси, онага эҳтиром туйғуси, дўстлик туйғуси, муҳаббат туйғуси, ватанпарварлик туйғуси, мустақиллик туйғуси. Буларни инсон факат дилдан яъни қалб кўзи орқали қабул қиласи. Шунинг учун туйғу ўта ноёб ва айни пайтда ўта нозик ҳодиса бўлиб, озгина бефарқлик, бекарорлик ёки инсондаги қандайдир қалтис ҳаракат ва сезгирилкнинг этишмаслиги туйғуни ўзгартириб юбориши мумкин.

Жамиятнинг маънавий-маданий, ахлоқий ҳаёти ўзига хос воқелик сифатида кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти ва турмуш тарзига инсоний йўналиш беради, улар манфаатларини юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар даражасига кўтариб, уларни шахс ва сотсиум учун зарур, фойдали, тараққийпарвар, ватанпарвар қиласи. Шуни эсда тутиш керакки, маънавий-ахлоқий тараққиёт инсон манфаатларига таяниб қолмайди, у аввало тарихий-маданий тажрибалардан, этноанъаналар ва миллий-маънавий бойликлардан туртки олади, уларга таянган ҳолда кишиларни гўзал хулқ, ибратли ахлоқ ва ор, номус, ҳаё билан, бошқаларни хурмат қилиб, севиб яшашга чорлайди. Бу инсоний фазилатлар ўзидан ўзи шаклланмайди, жамият ва давлат ўзининг бор маънавий-маданий

имкониятларини ижтимоий тарбиявий ишларга қаратади, айниқса ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш тұғрисида қайғуради.

Маънавий-ахлоқий негизлардан бири бўлган асл ватанпарварликка эришиш учун инсонга жуда катта масъулиятли маънавий-ахлоқий вазифалар юкланди. Ватанпарвар бўлмаган одамдан ватанга фидой, фидокор бўлиши мумкин эмас. Улар кенг қамровли одоблар мажмусидир. Оиласа, жамоага, туғилиб ўсган қишлоғига, шахрига, халқига, ватанига фидойлик ва шу кабилардир. Турли мафкуравий таҳдидлар ва ғоявий ахборот хуружлари авж олаётган шароитда бу масала янада долзарблик касб этади.

Ватанпарварлик туйғусини ҳам ўлчаш қийин иш сифатида ҳар бир шахснинг фидойилигига қараб, фавқулодда ҳолларда улкан хизмати - жасоратига қараб баҳо берамиз. Ватанпарварликнинг намоён бўлиш кирралари – фидойлик ва жасорат ижтимоий фаолиятнинг барча турларига хосdir.

Хулоса қилиб айтганда ёшларда ватанпарварлик туйғуси муайян тизимни ташкил этадиган ижтимоий-маънавий омиллар эвазига шаклланиб, ривожланиб боради:

- анаъана ва маросимлар, урф-одат ва маънавий-рухий қадриятлар шахс онги ва тафакурига таъсир этиб, қайси соҳада бўлмасин ижодий фаолиятга чорлаб, воқеликка завқий муносабатни шакллантиради ва ривожлантиради;
- миллий-маданий қадриятлар негизида муайян ҳудудда яшаётган бир қатор миллат ва элатлар жамият ва мамлакатнинг умумий маданиятини, миллий ва умумбашарий маънавий-ахлоқий қадриятларни яратишда бирлашадилар;
- маънавий-ахлоқий маданиятининг ривожланиш жараёни бевосита Ватан равнақи йўлида бирлашган миллатлараро муносабатларни ўз ичига қамраб олган ҳолда, ҳар бир ёшларни тинч-тотув, иноқ, ватанпарвар, юртпарвар, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли, меҳрибон, садоқатли, иймонли, аҳлоқан пок, вижонли, камтарин ва олижаноб бўлишга чорлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1.Xoliqov Y. THE ROLE OF ETHICS AND EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF TOLERANCE RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE NATION IN THE PROCESS OF DEVELOPMENT //International Conference on Problems of Improving Education and Science. – 2022. – Т. 1. – №. 02.

2.ULUGMURODOV ELYOR SAYDULLOEVICH. "PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF ISLAMIC VALUES IN THE FORMATION OF AESTHETIC THINKING OF THE YOUNG". JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, vol. 6, no. 05, Feb. 2021, pp. 162-9,

3.Улуғмуродов, Елёр Сайдуллайевич. "ТАСАВВУФ ОНТОЛОГИЯСИ ВА ГНОСЕОЛОГИЯСИННИГ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ." THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD 1.9 (2023): 73-79.

4.Меликова М. Н. КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ В СТРАНАХ АЗИИ //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2017. – №. 18. – С. 39-42.

5. Saydulloevich, Ulugmurodov Elyor. "ISLAMIC CULTURE: THE ESSENCE AND WAYS TO IMPROVE IT." *Academicia Globe: Inderscience Research* 3.03 (2022): 208-212.
6. Xoliqov, Y. (2022, May). THE ROLE OF ETHICS AND EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF TOLERANCE RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE NATION IN THE PROCESS OF DEVELOPMENT. In International Conference on Problems of Improving Education and Science (Vol. 1, No. 02).
7. Меликова М. Н. РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ И ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ТУРИЗМА В ГОРОДАХ СРЕДНЕЙ АЗИИ //Innovative processes in economic, social and spiritual spheres of life of society. – 2018. – С. 15-17.
8. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ЦЕННОСТЕЙ ИСЛАМА В ФОРМИРОВАНИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ." *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ*. 2020.
9. Улугмуродов, Элёр Сайдуллоевич. "Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири." *Oriental Art and Culture* II (2020): 52-59.
10. Kholikov, Y. O. (2021). THE EDUCATION OF YOUNG PEOPLE ON THE BASIS OF A SPIRITUAL, MORAL AND TOLERANT CULTURE IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(2), 63-68.